

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**41** «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-1*

*(2013 йил 28 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 327-модда) асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сонли «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 17-сон, 217-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 13 декабрь,  
89-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2012 йил 13 декабрдаги  
89-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**«Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

тўртинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;  
бешинчи, олтинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошлар деб ҳисоблансин.

2. 1-иловада:

а) 191-сатр матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«шундан: муддати ўтган\*»

из нее: просроченная\*»;

б) 932-сатр матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари\*»

из нее: просроченная текущая кредиторская задолженность\*»;

в) қуйидаги мазмундаги ҳавола билан тўлдирилсин:

«\* Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг расшифровкаси Бухгалтерия баланси — 1-сонли шакл — суғуртанинг иловасига мувофиқ келтирилади.

\* При наличии просроченной дебиторской и кредиторской задолженности их расшифровка приводится согласно приложению к Бухгалтерскому балансу — форма № 1 — страхование.»;

г) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ таҳрирдаги илова билан тўлдирилсин.

3. 3 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. 7-иловада:

а) 2-банднинг «в» ва «е» кичик бандлари, 3-банднинг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Кичик корхона ёки микрофирма мақомига эга суғурталовчилар фақатгина бухгалтерия баланси — 1-сонли шакл — суғурта ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-сонли шакл — суғурталардан иборат йиллик молиявий ҳисобот тақдим этадилар.»;

в) қуйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup> параграф билан тўлдирилсин:

**«2<sup>1</sup>-§. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифровкаси (Бухгалтерия баланси — 1-сонли шакл — суғуртага илова)**

140<sup>1</sup>. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифров-

касида суғурталовчининг ҳисобот даврининг охири санасига мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари акс эттирилади. Мазкур расшифровка суғурталовчида бухгалтерия баланси тузилаётган санада муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган ҳолдагина тўлдирилади.

140<sup>2</sup>. 2-устунда — «Муддати ўтган қарздорликка эга бўлган дебитор ва кредиторлар рўйхати» — дебиторнинг (кредиторнинг) юқори турувчи вазирликлари (идоралари) бўйича дебитор ва кредиторлар рўйхати кўрсатилади. Агар дебиторнинг (кредиторнинг) юқори турувчи вазирликлари (идоралари) бўлмаса, дебитор (кредитор) — юридик ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги муддати ўтган қарзлар бўйича дебитор (кредитор) номи (тўлиқ ёки умумқабул қилинган қисқартиришлар билан) кўрсатилади, шунингдек қавсларда мамлакатнинг номи кўрсатилади.

2-устуннинг 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1 қаторларида мажбурий тартибда муддати ўтган қарздорликка эга бўлган дебиторнинг (кредиторнинг) номини кўрсатиш лозим.

140<sup>3</sup>. 3-устунда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда сўндирилмаган муддати ўтган қарзларнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

а) 1-сатр бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 2 ва 3-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак;

б) 4-сатр бўйича муддати ўтган кредиторлик қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 5 ва 6-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак.

Муддати ўтган дебиторлик қарзнинг умумий суммаси бухгалтерия баланси — 1-сонли шакл — суғуртанинг 191-сатри суммасига мос келиши керак.

Муддати ўтган кредиторлик қарзнинг умумий суммаси бухгалтерия баланси — 1-сонли шакл — суғуртанинг 932-сатри суммасига мос келиши керак.

140<sup>4</sup>. 3-устуннинг 2, 2.1, 2.2, 2.2.1, 3, 3.1 сатрлари бўйича 1-сатр бўйича акс эттирилган муддати ўтган дебиторлик қарзнинг умумий суммасининг кўйидаги тартибда расшифровкаси кўрсатилади:

а) 2-сатрда республика ичидаги муддати ўтган дебиторлик қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади;

б) 2.1-сатрда республика ичидаги дебиторларнинг номлари бўйича муддати ўтган қарз кўрсатилади;

в) 2.2-сатрда ички идоравий муддати ўтган дебиторлик қарзнинг умумий суммаси келтирилади;

г) 2.2.1-сатр бўйича 2-сатрдан ажратилган, дебиторлар номлари бўйича ички идоравий муддати ўтган қарз суммаси кўрсатилади;

д) 3-сатр бўйича республикадан ташқаридаги муддати ўтган дебиторлик қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади;

е) 3.1-сатр бўйича республикадан ташқаридаги дебиторлар номлари бўйича муддати ўтган қарз кўрсатилади.

140<sup>5</sup>. 4, 5, 5.1, 5.2, 5.2.1, 6, 6.1 сатрлар мазкур Қоидаларнинг 140<sup>3</sup> ва 140<sup>4</sup>-бандларига кўра муддати ўтган дебиторлик қарзга ўхшаш тарзда тўлдирилади.

140<sup>6</sup>. Суғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган муддати ўтган қарзлар бўйича:

а) 4-устунда суғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган муддати ўтган қарзларнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

1-сатр бўйича — муддати ўтган дебиторлик қарзнинг умумий суммаси, у 5, 6, 7, 8 устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

4-сатр бўйича — муддати ўтган кредиторлик қарзнинг умумий суммаси 5, 7, 8 устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

б) 5-устунда суғурталовчининг Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларига асосан олдиндан ҳақ тўламай жўнатилган (олинган) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бўйича умумий муддати ўтган дебиторлик (кредиторлик) қарзи кўрсатилади.

в) 6-устунда давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш кўзда тутилган хом ашё ва материаллар бўйича ўтказилган бўнак тўловлари суммаси кўрсатилади. 6-устунда акс эттириладиган маълумот фақатгина муддати ўтган дебиторлик қарз қисмида тўлдирилади;

г) 7-устунда Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари бўйича қарзни сўндириш муддати ўрнатилган тартибда кечиктирилган суғурталовчининг муддати ўтган қарзи акс эттирилади;

д) 8-устунда қонун ҳужжатларига мувофиқ билдирилган даъволар бўйича суд жараёнида кўриб чиқиладиган муддати ўтган қарзлар суммаси кўрсатилади. Бу ерда унинг бўйича ҳўжалик судининг кредитордан ундириш тўғрисидаги қарорлари чиқарилган муддати ўтган қарзлар ҳам акс эттирилади.

140<sup>7</sup>. Зарурат туғилган тақдирда суғурталовчига «Суғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган муддати ўтган қарзлар» бўлимида қўшимча устунлар очишга рухсат берилади.

140<sup>8</sup>. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифровкаси сатрларининг миқдори тегишлича 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1 сатрлар бўйича кўрсатиладиган дебитор ва кредиторлар миқдорига боғлиқдир.

140<sup>9</sup>. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифровкаси раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва ҳар бир бетида муҳр билан тасдиқланади.»;

г) 4 ва 7 параграфлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

«Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Бухгалтерия баланси — 1-сонли шакл — суғуртага  
ИЛОВА

ПРИЛОЖЕНИЕ  
к Бухгалтерскому балансу —  
форма № 1 — страхование

**МУДДАТИ ЎТГАН ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК  
ҚАРЗЛАРИ РАСШИФРОВКАСИ**  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ҳолатига

**РАСШИФРОВКА ПРОСРОЧЕННОЙ ДЕБИТОРСКОЙ И  
КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ**  
по состоянию \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

№	Муддати ўтган қарздорликка эга бўлган дебитор ва кредиторлар рўйхати  Перечень дебиторов и кредиторов, по которым имеется просроченная задолженность	Муддати ўтган умумий қарз  Общая просроченная задолженность	Суғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган муддати ўтган қарзлар Просроченная задолженность, образовавшаяся по причинам, не зависящим от страховщика				
			Жами  Всего	шу жумладан / в том числе:			
1	2	3	4	5	6	7	8
				Ҳукумат қарорларига асосан олдиндан ҳақ тўламай жўнатилган (олинган) махсулотлар бўйича муддати ўтган қарзлар  Просроченная задолженность по продукции, отгруженной (полученной) без предоплаты по решениям Правительства	Давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш ҳом ашё ва материаллар бўйича ўтказилган бўнақ тўловлари суммаси  Сумма перечисленных авансовых платежей, по которым предусмотрена отгрузка сырья и материалов из государственных ресурсов и фондов	Ҳукумат қарорлари бўйича кечиктирилган қарзлар  Задолженность, отсроченная по решениям Правительства	Қонунчиликка мувофиқ даъволар бўйича суд жараёнида кўриб чиқилаётган ёки ҳужалик суди томонидан кредиторлардан ундириш тўғрисида қарор чиққан қарзлар суммаси  Сумма задолженности, по которой в соответствии с законодательством идет процесс судебного разбирательства по предъявленным искам или вынесено решение хозяйственного суда о взыскании с кредитора
<b>МУДДАТИ ЎТГАН ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ПРОСРОЧЕННАЯ ДЕБИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ</b>							
1.	Муддати ўтган қарздорликка эга бўлган дебиторлар, жами Дебиторы, по которым имеется просроченная задолженность, всего						

1	2	3	4	5	6	7	8
2.	Республика ичидаги муддати ўтган қарзлар, жами Просроченная задолженность внутри республики, всего						
2.1.	шу жумладан, дебиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов						
2.2.	Ички идоравий муддати ўтган қарзлар, жами Внутриведомственная просроченная задолженность, всего						
2.2.1.	шу жумладан дебиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов						
3.	Республикадан ташқаридаги муддати ўтган қарзлар, жами Просроченная задолженность за пределами республики, всего						
3.1.	шу жумладан дебиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов						
<b>МУДДАТИ ЎТГАН КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ПРОСРОЧЕННАЯ КРЕДИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ</b>							
4.	Муддати ўтган қарздорликка эга бўлган кредиторлар, жами Кредиторы, по которым имеется просроченная задолженность, всего				X		
5.	Республика ичидаги муддати ўтган қарзлар, жами Просроченная задолженность на территории республики, всего				X		
5.1.	шу жумладан, кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов				X		
5.2.	Ички идоравий муддати ўтган қарзлар, жами Внутриведомственная просроченная задолженность, всего				X		
5.2.1.	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов				X		
6.	Республикадан ташқаридаги муддати ўтган қарзлар, жами Просроченная задолженность за пределами республики, всего				X		

**41-42-моддалар**

**— 46 —**

**3 (555)-сон**

1	2	3	4	5	6	7	8
6.1.	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов				X		

**Раҳбар**

**Руководитель** \_\_\_\_\_

(Ф.И.О./Ф.И.О)

\_\_\_\_\_ (имзо / подпись)

М.Ў / М.П.

**Бош бухгалтер**

**Главный бухгалтер** \_\_\_\_\_

(Ф.И.О./Ф.И.О)

\_\_\_\_\_ (имзо / подпись)».